

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2021 йил октябрь ойининг 22 куни, жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон тумани суди Тўрақўрғон тумани Истиклол МФЙ биносидан, очик сайёр суд мажлисида, туман судининг раиси О.Сиддиқовнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Умаровнинг котиблигида, томонлардан Тўрақўрғон туман прокурори ёрдамчиси А.Абдусаматов, судланувчи О.А, жабрланувчи Ф.Анинг қонуний вакили Х.Снинг иштирокида,

О.А [REDACTED] йил [REDACTED] Тўрақўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 1 нафар фарзанди бор, ишсиз, Тўрақўрғон тумани, [REDACTED] МФЙ, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED]-уйда яшайди, иш бўйича муносиб ҳуқуқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномасини 2021 йил 4 октябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган О.Ага оид [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан тузилган айблов далолатномасига кўра, судланувчи О.А 2021 йил 04 сентябрь куни соат 19:00 ларда ўзининг бошқарувида бўлган, “Ваз 2106” русумли [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинасини Тўрақўрғон тумани, [REDACTED] МФЙ ҳудудидан ўтган “Тўрақўрғон-Оқтош-Қатағонсарой” автомобил йўлининг 5 км.да Тўрақўрғон йўналиши бўйлаб бошқариб бориб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг **11-бандида** “Транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбурдир”, **77-бандида** “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида



хайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”—деб кўрсатилган, **78-бандида** “Аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 70 км.дан, турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (уй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) эса соатига 30 км.дан ошмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади”, деб кўрсатилган талабларини қўпол равишда бузиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмай, йўлнинг ўзига нисбатан ўнг томонидан чап томонига кесиб ўтаётган велосипедчи, Тўрақўрғон тумани, ■■■■■ МФЙ, ■■■■■ кўчаси, ■■■-уйда яшовчи вояга етмаган, 26.07.2005 йилда туғилган ■■■■■ни бошқарувидаги автомашинанинг олд томони билан уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисасини содир этган. Натижада велосипедчи вояга етмаган ■■■■■ тан жароҳати олиб, шифохонага олиб келинган.

Тўрақўрғон туманлараро СТЭБнинг 07.09.2021 йилдаги ■■■■■-сонли экспертиза хулосасида вояга етмаган ■■■■■нинг баданида аниқланган тан жароҳатлари – чап оёқ ички тўпиқ ўсимтасини синиғи, ўнг билак шилинмаси кўринишида бўлиб, қаттиқ ўтмас жисм таъсирида етказилганлиги, йўл-транспорт ҳодисаси воқеялигида ва муддати атрофида ҳам олган бўлиши мумкинлиги, ушбу тан жароҳатлари соғлиқни узоқ, яъни 21 кундан кўп бўлган муддатга бузилишига олиб келувчи оғирлик даражасига кўра ўртача оғир тан жароҳатлари тоифасига кириши кўрсатилган.

Наманган вилояти ИИБ ЭКБнинг 30.09.2021 йилдаги №■■■■■-сонли хулосасида, ҳайдовчи О.О.А воқеа содир бўлган куни ўзининг бошқарувидаги “Ваз-2106” русумли автомашинани тормозлаш йўли билан ҳодисани олдини олиш имконига эга бўлганлигини, ушбу ҳатти-ҳаракатлари билан “Йўл ҳаракат қоидалари” нинг 77-банди 3-қисмига зид равишда ҳаракатланганлиги кўрсатилган.

Шундай қилиб, фуқаро О.А ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан, яъни амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 11, 77 ва 78-бандлари талабларини қўпол равишда бузиб, транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, вояга етмаган Ф.Анинг ўртача оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Тўрақўрғон туман прокурори томонидан 2021 йил 30 сентябрь куни ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айблов далолатномаси тасдиқланиб, ■■■■мзунан кўриш учун судга юборилган.



Судланувчи О.А суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор экани, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англагани, жабрланувчига етказилган зарарни қоплагани, ҳозирда жабрланувчи ва унинг вакили билан бирор-бир тазйиқсиз ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, жинойт ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Ф.Анинг қонуний вакили Х.С суд мажлисида, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, О.Ага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ўғлига етказилган зарарни қоплагани, кечирим сўрагани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирор-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунгани жинойт ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жинойтни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд жабрланувчи Ф.Анинг қонуний вакили Х.С ва судланувчи О.Ани ярашув тўғрисидаги аризаларини жинойт иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Тўрақўрғон туман прокурори ёрдамчиси А.Абдусаматовни жинойт ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи О.А айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қоплангани, жабрланувчи Ф.Анинг вакили Х.С ва судланувчи О.Анинг ўз хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, О.Ага нисбатан юритилган жинойт ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни;

Ажрим қонуний кучга киргач О.Ага нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилишни;

Ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, жинойт ишига қўшилган О.Анинг дастлабки терговда ва судда ҳимоячи хизматидан воз кечиш жараёни тасвирга олинган 1 дона диск жинойт иши билан бирга сақлашни;

О.Ага тегишли бўлган ██████████-сонли ҳайдовчилик гувоҳномаси ажрим қонуний кучга киргач унинг ўзига қайтаришни;

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Ф.Анинг қонуний вакили Х.Сга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишни тушунтиришни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

О.Ага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач О.Ага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган О.Анинг дастлабки терговда ва судда ҳимоячи хизматидан воз кечиш жараёни тасвирга олинган 1 дона диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

О.Ага тегишли бўлган ██████████-сонли ҳайдовчилик гувоҳномаси ажрим қонуний кучга киргач унинг ўзига қайтарилсин.

Ажримдан норози тарафларлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи, жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан эътиборан йигирма сутка ичида шу суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

О.Сиддиқов

